

ПРОФЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ЖАМОАТЧИЛИК БИЛАН ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Иброхимов Баходирович
ИИВ Академияси “Автомобиль тайёргарлик” ўқитувчиси

Иброҳим
кафедраси

Абдуҳалилов Абдурашид ўғли
ИИВ Академияси, 319-гуруҳ курсанти

Аннотация. *Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид фаолияти йўналишлари, таълимотлар ва уларнинг ривожланиши босқичлари, амалга ошириладиган тадбирлар, содир этилган ҳуқуқбузарлик юзасидан киритиладиган тақдимномага қўйиладиган талаблар, ҳуқуқбузарликларнинг элементлари, сабаблари ва бунга имкон берган шарт-шароитлар таҳлилидан келиб чиқиб назарий-ҳуқуқий ва амалий таклиф-тавсиялар муҳокама қилинган.*

Калит сўзлар: *ҳуқуқбузарлик, ҳуқуқбузарлик профилактикаси, ҳуқуқбузарлик профилактика субъектлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар.*

Профилактика инспекторларининг фуқароларнинг узини узи бошқариш органлари билан ҳамкорликда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини такомиллаштириш борасида куйидаги йўналишларда ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

Биринчи йўналиш-узига бириктирилган маъмурий ҳудудлардаги оилаларда маънавий-рухий муҳитни соғломлаштириш, бизга маълумки, оила тарбия ўчоғи ҳисобланади. Инсон шахсининг пойдевори ҳам ана шу жойда қурилади. Инсон канчалик оилада яхши тарбия олса, унинг маънавияти юксак даражада бўлади. Бирок, бугунги кунда но соғлом турмуш тарзини кечирувчи, фарзанд тарбиясига беъэтибор, маънавий кашшок, носоғлом муҳит ҳукмрон бўлган оилалар ҳам учраб турибди. Таъкидлаш жоизки, бундай оила жамият учун инсонни хўрлаш, кучсизларга қўл кўтариш мумкин деб ўйлайдиган агрессив шахсларни тарбиялайди. Бу хусусда хикматлар ҳазинаси бўлмиш қобусномадаги куйидаги фикрлар фикримизнинг исботидир: "ўз фарзандинг сенинг ҳақингда қандай



булишини тиласанг, сен ҳам ота-онанг хакида шундай булгил, нединким, сен ота-онангга нима иш килсанг, фарзандинг ҳам сенинг хакинда шундок иш килур, чунки одам мевага, ота-она дарахтга ухшайдур. Дарахтни хар канча яхши тарбият килсанг, меваси шунча яхширок ва ширинрок булур" бу ахлокий туйғунинг мавжудлигини оиладаги мухитдан аниклаб олиш мумкин.

Агар оилада яхши мухит булса - барча оилавий муносабатлар рисолагидек йўлга куйилган булади, аксинча бўлса, оила тушкунликка юз тутиб, парокандаликка учраши табиий холдир Маънавий-ахлокий, рухий тарбия хар бир оилада узига хос усул ва шаклда намоён булади. Баъзан оилада тарбияланаётган фарзандларни катталар томонидан номаъкбул хатти-харакатларга жалб этиш холатлари ҳам кузатилади. Зотан, бундай холатлар оилаларда кам кузатилса-да, унинг салбий окибатлари жамият учун гоят ачинарли холатларни келтириб чикаради. Криминологик тадқиқотлардан шу нарса маълум буладики, жиноят йулига кирган аксарият шахсларнинг оилавий шароитида ота-оналарнинг мунтазам ичкиликка берилганлиги, рахм-шафкатсизлиги, ахлокан бузуклиги каби салбий иллатлар мавжуд бўлган. Бундай оилалардаги ота ёки онанинг фохишабозлик, ичкилик ёки гиёхвандликка ружу куйганлигини тадқиқот давомида урганилган материаллар, таҳлил этилган статистик маълумотлар ҳамда жиноий иш материалларида акс этган маълумотлар ҳам тасдиқламоқда. Шу боис носоглом оила ҳамда фарзанд тарбияси билан шугулланмайдиган ота-она ёки уларнинг урнини босувчи шахсларни уз вақтида аниклаш ва улар билан профилактик ишларни амалга ошириш лозим.

Иккинчи йуналиш - илгари судланган шахслар томонидан кайта жиноят содир этилишининг олдини олиш. Жиноятчиликка карши кураш амалиётидан маълумки, жиноятларнинг олдини олишда, энг аввало, мукаддам судланган шахсларга нисбатан таъсир кучига эга булган профилактик ишлар олиб борилади. Бундай ишлар оркали уларнинг хулқини тарбиялаш, жамиятга нисбатан ижобий дунёкарашини шакллантириш, жиноят содир этишдан кайтариш каби тарбиявий ва ҳуқуқий чораларнинг кулланилиши жиноятчиликка карши курашда уз самарасини беради. Мукаддам судланганлар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг олдини олишга алоҳида эътибор каратиш керак, чунки бугунги кунда содир этилаётган огир ва ута огир жиноятларнинг аксарияти мукаддам судланганлар томонидан содир этилмоқда.

Шу уринда кайд этиш жоизки, мукаддас динимизда ҳам жиноят содир этиш кораланиб, уз ахлига зулмкор булмаслик, бировнинг дилига озор бермаслик борасида: "Кимки, Оллохдан куркса, у хеч кимга тажовуз килмайди.

Оллохдан куркиш ер юзида жиноят килишдан кайтарадиган асосий сабабдир" дейилган.

Учинчи йуналиш - ахоли уртасида тушунтириш-таргибот ишларини олиб бориш. Профилактика инспекторлари узига бириктирилган маъмурий худуддаги криминоген вазиятнинг баркарорлигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, жамоат тартибини саклаш ва фукаролар хавфсизлигини таъминлашга масъул булган ички ишлар органларининг вакили хисобланади. Шундай экан, худудда жойлашган оилаларнинг тинчлиги, хавфсизлигини таъминлашга алохида эътибор каратиши лозим. Айникса, диний экстремизм, терроризм, гиёхвандлик, одам савдоси жиноятларининг келиб чикиш сабаб ва шароитлари, унинг жабрланувчилари, ушбу жиноятларнинг салбий окибатлари хакида фукароларнинг хукукий онг ва савиясини ошириши лозим. Зеро, хукукий онгнинг юкори булиши фукаролик жамиятининг карор топишига хизмат килади.

Туртинчи йуналиш - Жамоатчилик вакиллари, маъмурий худудда тиббиёт муассасаси ходимлари билан хамкорлигини такомиллаштириш. Жиноятчиликка карши кураш амалиётининг курсатишича, купинча оиладаги низо ва жанжаллар окибатида жабрланувчи шахс соглиги бузилишига сабаб булувчи хатти-харакатлар содир этилган такдирда хам андиша, ор-номус, оила ёки эркакнинг шаъни, айникса, оиласининг бузилиб кетмаслиги, болаларининг такдири, колаверса махалла ва кариндош-уруг орасида ортикча гап суз булишини рукач килиб, бу тугрида хеч кимга айтмайди. Натижада купгина оиладаги хукукбузарликлар яширин равишда колиб кетади.

Оилада содир этиладиган хукукбузарликларнинг латентлик даражаси юкори булиб, уни аниклаш анча мушкул. Профилактика инспекторларининг тиббиёт муассасалари билан самарали ахборот алмашувини йулга куйиши содир этилган низоларни уз вактида аниклаш хамда айбдорларга нисбатан килмишига яраша жазо тайинлаш имконини беради. Мазкур холатларда жамоатчилик вакилари, тиббиёт муассасаси ходимлари ушбу масалага жиддийрок ёндашиб, худудда жойлашган оилаларда содир этилган хукукбузарликларни аниклаб, ички ишлар органларига хабар беришса, айбдорларга нисбатан тегишли чоралар куриш осонрок кечади. Профилактика инспекторларининг тиббиёт муассасалари билан доимий равишда хамкорликни йулга куйиши ушбу турдаги хар кандай жиноятни фош этиш имконини яратади.

Бешинчи йуналиш - замирида зино илллати булган фохишабозликка карши кураш ва унинг олдини олиш. Бугунги кунда оиладаги огир ва ута огир

жиноятларнинг асосий қисми эркак ёки аёлнинг зинога йул куйганлиги, бир-бирига хиёлати натижасида содир этилаётганлигини тадқиқотлар тасдиқламоқда. Маълумки, фохишабозлик оқибатида зинога йул куйилади. Суд амалиётининг курсатишича, қупчилик ёш оилаларнинг ажралиш ҳақидаги даъво аризаларида эр хотинининг, хотин эса эрининг зинокорлиги, оилада болалар тарбиясига ҳар икки жинсдаги шахсларнинг ахлоқи салбий таъсир курсатишини қуч қилиб, ажралиб кетаётганлиги ташвишли ҳолдир. 2022 йилда Наманган вилояти Давлатабод туманида олиб қорилган тадқиқот натижаларига қуча, оилавий ажралишларнинг 52 фоизида аёл, 37 фоизида эркакнинг хиёлатқорлиги, 11 фоизида эса қайнона-қелин уртасидаги муносабатларнинг ёмонлиги сабаб қулганлиги аниқланди. Зеро, оилавий моқаролар, ажралишларнинг қупайиб қораётганлиги нақат оилавий муносабатларнинг қузилишига, балки оилада қарзандлар тарбиясига ҳам салбий таъсир қурсатади.

Шундай экан, оила тотувлиги, унинг мустаққамлигини таъминлаш, ажралишларнинг олдини олиш қугунги қунда ҳам долзарблигини йукотгани йук. Бунинг учун эр ва хотинга яқиндан ёрдам қериш, оилада содир этиладиган ҳуқуққузарликлар ва жиноятларнинг олдини олишда қуфилактика инспекторларининг ҳамқорликдаги қуолияти янада яқшиланиши зарур.

Олтинчи йуналиш - ичкиликқозликнинг олдини олиш. Сиртли ичимликка ружу қуйиш шахсинг қамиятга нисбатан иқобий муносабатини сусайтиради. Айниса, оилада оила аъзолари уртасида салбий муносабатларнинг вужудга қелишига олиб қелади. Сиртли ичимлик истеъмол қилиш натижасида оилада қупинча эр-хотин уртасида қанқаллар содир этилади. Бу эса низоли вазиятларни қелтириб қикаради ҳамда тақовузор ҳатти-ҳаракатлар содир этишига сабаб қулади. Оилавий қанқаллар туқайли ҳуқуққузарлик содир этиб, озодликдан маҳрум қилинган 150 нақар ичкиликка қерилган шахсларнинг турмуши урганилганида уларнинг уз ҳаётий муаммоларини зурлик қилан ҳал этишга мойилликлари маълум қулди. Ичкиликка қерилган шахсларнинг ақсарияти уз оила аъзоларини мақвуд муаммоларнинг асосий айбдорлари деб ҳисоблайдилар. Уларнинг эллиқ фоиздан ортиги эса, оила аъзоларига енгил тан қарохати етқазиш, қалтақлаш туқайли судланганлар.

Қуфилактика инспекторлари сиртли ичимлик истеъмол қилувчи шахслар томонидан жиноят содир этилмаслигининг олдини олиш, уларда қамиятга нисбатан иқтимой дунёқарашни шақллантириш, ичкиликка ружу қуйган шахсларни аниқлаш ҳамда уларни тиббиёт муассасаларига мақбурий

даволашга жунатиш билан боглик булган хамкорликни ташкил этиш ишларига алохида эътибор каратишлари лозим. Бу масалага эътиборсизлик билан каралса, огир окибатлар келиб чикиши мумкин.

Ичкиликка ружу куйган шахслар томонидан огир куринишдаги жиноятларнинг содир этилаётганлиги бугунги куннинг долзарб муаммоларидан биридир. Профилактика инспекторлари ушбу иллатга карши курашиш, унинг олдини олишдаги махсус субъектлар тизимига киради. Профилактика инспекторларининг оиладаги низоларни олдини олиш ва уни баргараф этиш борасидаги фаолиятини ташкил этишнинг узига хос хусусиятларидан бири - спиртли ичимликка ружу куйган шахсларни аниклаш ва уларни профилактик хисобга куйишдан иборат булмоги даркор. Чунки оила-турмуш муносабатлари доирасида содир этиладиган огир ва ута огир жиноятларнинг аксарият кисми бевосита спиртли ичимлик истеъмол килиш билан боглик холда содир этилади.

Жиноят содир этганлиги учун илгари судланган шахсларнинг жиноят йигма жилдларини урганиш натижалари шуни курсатмокдаки, спиртли ичимлик истеъмол килиш окибатида шахснинг хаётига ва соглигига тажовуз килиш холатлари жуда юкори экан. Масалан, мастлик окибатида содир этилган жиноятларнинг 31,4 фоизида касддан одам улдириш, 30,8 фоизида касддан баданга огир шикаст етказиш, 43,7 фоизида касддан баданга уртача шикаст етказиш, 39,9 фоиз холатда эса касддан баданга енгил шикаст етказиш жиноятлари содир этилган. Ушбу жиноятларни содир этган шахсларнинг купчилиги мунтазам спиртли ичимлик истеъмол килувчи шахслар булишмаган. Чунки уларнинг бирортаси хам тиббиёт муассасалари 69 руйхатида турмаган.

Ичкиликбозликнинг олдини олишда профилактика инспекторларининг фаолияти куйидаги йуналишда ташкил этилиши лозим: -жамоат жойларида спиртли ичимликлар истеъмол килиниши холатларини аниклаш, аникланган хукукбузарликлар буйича чора куриш; оилада ичкиликликка сабаб булувчи шарт-шароитларни аниклаш; ичкиликбозликка карши кураш ва унинг олдини олиш борасида ички ишлар органларининг сохавий хизматлари хамда жамоат ташкилотлари билан узвий хамкорликда кенг куламли профилактик чоратадбирлар режасини ишлаб чикиш ва амалга ошириш; маъмурий худуддаги спиртли ичимликка ружу куйган шахсларни мажбурий даволаш муассасаларига юбориш, олдин руйхатга олинганларни диспансер назорати остида булишини таъминлаш; маъмурий худудда спиртли ичимликлар билан савдо килувчи дуконларни текшириш, коидабузарларга нисбатан тегишли чоралар куриш; ичкилик окибатида огир ва ута огир жиноят содир этганлиги учун мукаддам судланган шахслар томонидан кайта жиноят содир этилишининг олдини олиш

максадида, уларни ички ишлар идораларининг маъмурий назоратига олиш ва жамиятда юриш-туриш, хатти-харакатлари устидан доимий равишда назорат урнатиш; спиртли ичкилик истеъмол килиш оқибатида оилада уз оила аъзоларини хакоратлаш, уриш, кийнаш каби хукукбузарлик ёки безорилик хатти-харакатларни содир этадиган шахсларни аниқлашга қаратилган аниқ режалар ишлаб чиқиш, аниқланган ҳолатлар юзасидан айбдорларни амалдаги қонунларга асосан жавобгарликка тортилишини таъминлаш. Бу соҳада олиб борилган тадқиқот давомида ўтказилган суровда иштирок этган профилактика инспекторлари оиладаги низоларнинг 52,6 фоизи спиртли ичимликлар истеъмол қилинадиган оилаларда, 50,0 фоизи тез-тез жанжал бўлиб турадиган оилаларда, 43,9 фоизи эса носоглом турмуш тарзи кечирувчи оилаларда содир этилаётганлигини айтишган.

Ачинарли томони шундаки, мунтазам спиртли ичимликлар истеъмол этилувчи оилаларда тез-тез жанжал бўлиб туради. Бундай оилалардаги жанжаллар жисмоний зурлик ишлатилганлик ҳолатлари учраганлиги боис, ички ишлар органлари, қуни-қушнилари ёки қариндош-уруғларнинг аралашувидан кейингина тинчийди. Профилактика инспекторларининг фуқароларнинг узини узини бошқариш органлари билан ҳамкорлиги натижасида маъмурий ҳудудларда уз вақтида хукукбузарликлар профилактикасини амалга ошириш хукукбузарлик ва жинойятларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Таъкидлаш керакки, хукукбузарликларнинг профилактикасини амалга оширишда фуқароларнинг узини узини бошқариш органлари билан бевосита ҳамкорлик, ички ишлар органлари **махалла хукук-тартибот масканлари** негизида амалга оширилади. **Маҳалла хукук-тартибот масканлари** негизида узини узини бошқариш органлари билан ҳамкорликни самарали ташкил этиш қўл жихатдан профилактика инспекторларига бoғлиқ.

Xulosa

Профилактика инспекторларининг фуқароларнинг узини узини бошқариш органлари билан ҳамкорлигидаги қамчиликлар:

- профилактика инспекторларининг қўлчилигида фуқароларнинг узини узини бошқариш органлари билан ҳамкорликни самарали ташкил этиш учун зарур бўлган раҳбарлик, ташкилотчилик, ташаббускорлик, қирришимлилик, қенг фикрлаш қобилияти ва қуниқмалари етарли даражада эмаслиги;
- хукукбузарликлар профилактикасига жалб этилган фуқароларнинг узини узини бошқариш органлари вақиллари айрим ҳолларда уз вақифаларига қасмиятчилик билан юзақи қарашлари, ҳамкорликда амалга оширилиши

зарур булган тадбирларда фаол иштирок этмасликлари ёки эгаллаб турган жамоатчилик лавозимларидан куп холларда уз манфаатлари йулида фойдаланишлари;

- профилактика хизматларининг жамоат тузилмалари ва ахоли билан узлуксиз хамда самарали хамкорликни таъминлаш учун зарур булган техника, алока воситалари ва бошка жихозлар билан замон талаблари даражасида таъминланмаганлиги;
- профилактика инспекторининг хотин-кизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлокий кадриятларни мустахкамлаш буйича мутахассис билан хамкорликда амалга оширадиган тадбирлари режасининг реал вазиятга асосланмаганлиги ва амалда уз тасдигини топмаётганлиги;
- профилактика инспекторлари ва фукарларнинг узини узи бошкариш органларига махаллий хокимият, прокуратура ва ИИБ томонидан берилаётган топшириклар хажми бажариш муддатига кура нотугри белгиланган, натижада топшириклар юзаки ва сифатсиз бажарилаётганлиги;
- фукарларнинг узини узи бошкариш органларининг жамоат тартибини саклаш ва хукукбузарликларнинг профилактикасини таъминлашдаги иштирокини бахолаш мезонлари курсатилган норматив-хукукий хужжатнинг йуклиги; профилактика инспекторлари фаолият олиб бораётган айрим махаллаларда ахоли сонининг хаддан зиёд куплиги.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. И.Исмаилов ва бошкалар ИИО ларининг жиноятчиликнинг олдини олиш фаолиятини ташкил этиш. Дарслик Т.2011.
2. Ахмедшина, Н.В. Возникновение и развитие отечественной виктимологии / Н.В. Ахмедшина // Вестник томского государственного университета. - 2013.-№300 (1). -С.138-141.
3. Криминология. Умумий қисм: Дарслик / И. Исмаилов, Қ.Р. Абдурасулова ва бошкалар. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2015 й. Б–179.
4. Криминология. Махсус қисм: Дарслик / И. Исмаилов, Қ.Р. Абдурасулова ва бошкалар. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2015 й. Б–347-348.
5. Хукукбузарликлар профилактикаси бўйича назарийхукукий ва амалий таклиф // Хукукни муҳофаза қилиш академияси марказ катта прокурори Ж.М.Мирахмедов Scientific Journal Impact Factor (SJIF): 5.938.
6. И.Б.Иброҳимов. Автоматлашда ҳайдовчи-йўриқчиларининг касбий компетентлигини ривожлантириш методикаси // Eurasian journal of law, finance and applied sciences Journal has been listed in different indexings ISSN 2181-2853 189-193 б 2022 йил декабрь Т.